Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"BOSHTRANSLOYIHA" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"BOSHTRANSLOYIHA" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

201 052 150

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

24.10.1994	03-000463
Sana	Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, MIROBOD TUMANI, NUKUS KO'CHASI, 23A-UY

Tomonidan berilgan:

MIROBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1105071

«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`yicha bosh loyiha-qidiruv instituti Ochiq aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2023 йил “22” июндаги йиллик умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Рузиев Р.В.
(ФИШ)

м.ў.

«BOSHTRANSLOYIHA» TRANSPORT BO`YICHA BOSH LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI AKSIYADORLIK JAMIYATI

U S T A V I

(Янги Тахрир)

ТОШКЕНТ-2023

УСТАВ МАЗМУНИ:

1	Умумий қоидалар.....	3
2	Жамиятнинг юридик мақоми, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили.....	3-4
3	Жамият фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари.....	4-6
4	Жамият устав фондининг миқдори, уни купайтириш ва камайтириш тартиби...	6-7
5	Жамиятнинг акциялари, уларни жойлаштириш тартиби ва номинал қиймати, эълон қилинган акциялар.....	7
6	Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	7-8
7	Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби.....	8-9
8	Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби.....	9-10
9	Жамият бошқарувининг тузилмаси	10
10	Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.....	10-13
11	Жамият Кузатув кенгаши.....	13-17
12	Жамият Ижроия органи.....	17-19
13	Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш	19
14	Корпоратив маслаҳатчи.....	19-20
15	Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	20
16	Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.....	20

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. **«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`yicha bosh loyiha-qidiruv instituti Aksiyadorlik jamiyati** (матн давомида Жамият деб номланади) «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти масъулияти чекланган жамиятини қайта тузиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимининг 2002 йил 17 декабрдаги 1503- сонли «BOSHTRANSLOYIHA» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий мақоми «BOSHTRANSLOYIHA» очиқ акциядорлик жамиятига ўзгарганлигини ҳамда янги таҳрирдаги низомини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат рўйхатига олинган ва ушбу қарорга мувофиқ Жамият «BOSHTRANSLOYIHA» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси хисобланади.

1.2. Жамият даставвал Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси Тошкент шаҳридаги бошқармасининг (бугунги кундаги Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси) 1994 йил 20 сентябрдаги 848по-р сонли “Ташгипротранс” Транспорт бўйича Тошкент лойиха-қидирув институтини “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонасига айлантириш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги фармойиши асосида ташкил топган ва Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Миробод тумани Хокимининг 1994 йил 24 октябрдаги 347/9- сонли “Ташгипротранс” Транспорт бўйича Тошкент лойиха-қидирув институтини “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонасига қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан “ГИПРОТРАНС” ЖК Жамоа корхонаси сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтган.

1.3. Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Миробод тумани Ҳокимининг 2000 йил 19 декабрдаги 1969- сонли “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонасини «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти- масъулияти чекланган жамиятга ўзгарганлиги ҳамда янги таҳрирдаги низомини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қарорига асосан “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонаси «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти - масъулияти чекланган жамияти сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтган.

1.4. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи:

«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`yicha bosh loyiha-qidiruv instituti aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи:

«BOSHTRANSLOYIHA» AJ;

Жамиятнинг давлат тилида кирилл алифбосидаги тўлиқ расмий номи:

«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти;

Жамиятнинг давлат тилида кирилл алифбосидаги қисқартирилган номи:

«BOSHTRANSLOYIHA» АЖ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:

Акционерное общество «Головной проектно –изыскательский институт по транспорту «BOSHTRANSLOYIHA»;

Рус тилидаги қисқартирилган номи:

АО «BOSHTRANSLOYIHA».

2.ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ) ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг хўжалик фаолияти қайси давлатларнинг ҳудудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисобрақамларни очиши мумкин.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (мухрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.7. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳуқуқини олган шуъба ва тобе хўжалик Жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.9. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномсида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шуъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

2.11. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

2.12. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.13. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

2.14. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23 “а” уй.

2.15. Жамиятнинг электрон почта манзили: boshtrans@gmail.com.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади – фойда олишдир ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жалб қилган холда, истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш, турли фаолият сохаларида лойиҳа ва қидирув-изланиш хизматларига эхтиёжларини қондириш хисобланади. Шу жумладан, миллий ва соҳага доир дастур асосларини ишлаб чиқилишида қатнашиш, тақсимловчи тармоқларнинг ривожини белгиловчи Давлат ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда иштирок этиш.

3.2. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- темирйўл, ҳаво ва автомобиль транспорти объектларини, ишлаб чиқариш, турар жой-фуқаролик ва қишлоқ хўжалик мақсадли объектларни қуриш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш учун мажмуавий лойиҳалаштириш ва муҳандислик-техник қидирув ишларини олиб бориш;
- меъморий-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- автойўл ва темирйўл кўприклари, йўл ўтказгичлар ва тонелларни лойиҳалаштириш;
- топография-геодезия ва харитаграфия ишларини амалга ошириш;
- геология, гидрогеология ишларини амалга ошириш, шу жумладан фойдаланиш қудуқларини бурғилаш ва лойиҳалаштириш;
- инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишларини тузиш;
- қурилиш лойихаларини ва лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
- ёнғинга қарши автоматика, қўриқлаш, ёнғин ва қўриклаш-ёнғин автоматикаси воситаларини лойиҳалаштириш;
- темир йўлларнинг технологик алоқа ва электр таъминот магистрал тармоқларини лойиҳалаштириш;
- хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш;
- темирйўл станциялари ва шохобча йўлларининг ишлаш технологик жараёнларини, темирйўл транспорти объектларидан фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва бошқа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, фаолият кўрсатаётган темир йўллар ва темир йўл кириш йўлларини техник паспортлаштириш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва фаолиятни амалга ошириш;
- муаллифлик назоратини амалга ошириш;
- турли хил ҳужжатлар матнини териш, нусха кўчириш ва кўпайтириш хизматлари;
- ахборот банкларини тузиш (ахборот йиғиш, сақлаш ва сотиш);
- менежмент, маркетинг, консалтинг, инжиниринг, факторинг, лизинг, франчайзинг;
- фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва бошқа юридик шахсларга ваколатчилик хизматларини кўрсатиш (шу жумладан савдо соҳасида);
- илмий-тадқиқот, маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- аҳоли ва ташкилотларга транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш;
- ўз ходимларини яқин ва узок хориж мамлакатларида ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўқитшп ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар билан операциялар амалга ошириш;
- мол-мулк, ускуналар, шу жумладан кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш;
- Ўзбекистон Республикасида ва хорижда юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ифодалаш;
- товарлар ва хизматларни экспорт ва реэкспорт қилиш операцияларини амалга ошириш;
- товарлар ва хизматларни импорт қилиш операцияларини амалга ошириш;
- илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий-техник, конструкторлик, лойиҳавий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни тайёрлашда техник ёрдам кўрсатиш;
- илмий тадқиқот, қидирув, лойиҳавий, тажрибавий ишларни ўтказиш;
- семинарлар, конференциялар, такдимотлар, кўргазмалар, ярмаркалар, ким ошди савдолари ва сотиб тугатишларни, кўргазма-савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- автомобиллар ва бошқа мототехникани сотиш;
- улгуржи савдо билан шуғулланиш;
- автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникасига эхтиёт кисмлар билан савдо қилиш;
- автотранспортни таъмирлаш ва сервис техник хизматларини кўрсатиш;
- маиший хизматларни кўрсатиш;

- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш;
- молиявий ёрдам кўрсатиш, кредитлар, займлар, ссудаларни бериш, шу жумладан хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- ҳисоблаш ва нусха кўчириш техникасига сервис техник хизматларини кўрсатиш;
- ностандарт ускуналарга ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- «НОУ-ХАУ» технологик тармоқларини сотиб олиш;
- инвестицион дастурларида иштирок этиш;
- инновацион, хомийлик, хўжалик-маиший, транспорт (юк ташиш) ишлари ва хизматларни кўрсатиш;
- маркетинг ва реклама-ахборот фаолияти бўйича хизматлар, траст, брокерлик, дилерлик, дистрибьюторлик ва бошқа тижорат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистан Республикаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хориж мамлакатлари юридик ва жисмоний шахсларининг ишончномаси асосида ишлаб чиқариш-хўжалик, тижорат ва молиявий фаолият соҳаларида амалга ошириладиган операциялар;
- хайрия фаолияти, махсус фондлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш;
- моддий-ташкилий ва бошқа ёрдам турларини кўрсатиш.

3.3. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари билан шуғулланиш, Жамият шундай махсус рухсатномани (лицензияни) олганидан кейин шуғулланишга ҳуқуқли бўлади.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КУПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамият Устав фондининг миқдори 4 453 008 000 (тўрт миллиард тўрт юз эллик уч миллион саккиз минг) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 4 453 008 (тўрт миллион тўрт юз эллик уч минг саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

4.3. Жамият Устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш мумкин.

4.4. Жамият устав фонди унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш ва ушбу Уставга устав фондни кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.5. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади.

4.6. Қўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.7. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамиятнинг Кузатув кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.8. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.9. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян

турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

4.10. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.11. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.12. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

4.13. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

5.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

5.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

5.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

5.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.5. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

5.6. **Акцияларнинг очиқ обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.**

5.7. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

5.8. Жамият акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

5.9. Жамият устав фондини кўпайтириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 1 289 160 (бир миллион икки юз саксон тўққиз минг бир юз олтмиш) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- инвестиция воситачиси ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;
- Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш ҳуқуқига эга;
- овоз беришда ўзларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимларини тузиш.

6.2. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

6.3. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил хажмда ҳуқуқлар беради.

6.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

6.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.7. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва мазкур Уставда белгиланган тартибда Жамият бошқарувида иштирок этишга;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни хабардор қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишида ўзининг овоз бериш бюллетенини имзолашга мажбурдирлар;
- Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

6.8. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган

фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратмалар ўтказиш йули билан, Дивиденд тўлаш фонди тузилиши мумкин. Жамиятнинг Дивиденд тўлаш фонди дивидендларни тўлаш учун маблағларни заҳиралаш ва кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш учун мўлжалланади.

7.3. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.4. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.6. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.10. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.11. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.12. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.13. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

7.14. Жамиятнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият соф фойда хисобидан:

- Захира Фонди;
- Дивиденд тўлаш фонди;
- Жамият Кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

8.5. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 8.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

8.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

9. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Жамият бошқарувининг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамиятнинг навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши одатда хар йили июн ойининг 01 санасидан 30 санасигача бўлган давр оралиғида ўтказилади.

10.3. **Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссияни сайлаш тўғрисидаги (Тафтиш комиссия мавжуд бўлганда), Жамият Бош Директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва Жамият йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.**

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш масалаларидан ташқари ҳолларда;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш хисобига қўшимча акцияларни чиқариш масалаларидан ташқари ҳолларда;

ж) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

з) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш (Тафтиш комиссия мавжуд бўлганда) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссия аъзоларига мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

м) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

н) Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

о) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

п) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

с) конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

т) конунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

у) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

ф) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

х) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

ц) ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳал этилмайди, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- амалдаги қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ, Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва шу билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчаларни Жамият Уставига киритиш тўғрисидаги масалалар;

- Жамият ижроия органи ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш.

10.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенлар орқали амалга оширилади. Умумий йиғилишда

иштирок этаётган шахслар ўзларининг ҳисобидан ўзлари томонидан тўлдирилган бюллетендан нусха олиш ҳуқуқига эга.

10.10. Мазкур Уставнинг 10.6. бандидаги а), б), в), д) н), с) қисимларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Умумий йиғилиш томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.11. Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва у) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

10.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.16. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 (йигирма бир) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

10.17. **Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамиятнинг кузатув кенгашига ушбу кенгашнинг сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.**

10.18. **Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.**

10.19. **Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.**

10.20. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар

акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.21. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.23. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги Низоми билан тартибга солинади.

10.24. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.25. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин.

11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;

в) акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш ва Умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш саналарини белгилаш;

е) Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва у) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;

ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

з) Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса, Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва тегишли хужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

и) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

к) аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

л) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

м) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

н) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

о) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

с) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

т) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит ҳизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

у) Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига (агар Тафтиш комиссияси мавжуд бўлганда) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

ф) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

х) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

ц) Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

ч) конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин);

ш) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

щ) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ы) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

э) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

ў) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш;

қ) акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада ҳомийлик (хайрия) еки беғараз ердам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб Жамиятнинг веб-сайтида ошкора этилишини таъминлаш);

ғ) Жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, Бош директор, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиши;

ҳ) Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўриб чиқиш.

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 7 (етти) кишидан иборат, бунда 1 (бир) киши кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзо ҳисобланади. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Устав белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

11.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.6. Жамият Бош Директори Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.9. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.11. Жамият Кузатув кенгаши Раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

11.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- **Кузатув кенгаш аъзоларининг;**
- **Жамият Бош Директорининг;**
- **ички аудит ҳизмати бошлиғининг;**
- **қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.**

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.

11.14. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 4.4. ва 4.7. бандларида ва 11.2 бандининг з), н), ч) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (якдиллик билан) қабул қилинади.

11.15. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

11.16. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.17. Жамият Кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

11.18. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.19. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

11.20. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.21. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

11.23. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.24. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.25. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.26. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган "Жамият Кузатув кенгаши туғрисидаги Низоми"да белгилаб қўйилади.

11.27. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, Бош директорнинг ва Жамиятнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари талабига кўра чақирилади.

11.28. Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилганда, ёки Жамият устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилади. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

11.29.Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) Жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

- Жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

- Жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- сўнгги уч йил ичида Жамиятга ва (ёки) Жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

- кетма-кет олти йил давомида Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

- Жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

- Жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

- Жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

11.30. Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланан тартиб асосида юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

12. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош Директор) томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият Бош Директори акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари ва Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

12.3. Жамият Бош Директори жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан уч йиллик муддатга сайланади ва у билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди. Жамият Бош директори лавозимига тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

12.4. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бош Директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

12.5. Жамият Бош Директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.6. Жамият Бош Директори Жамият Устави ва "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

12.7. Жамият Бош Директорининг мажбуриятларига ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Банкларда ҳисобрақамлар шу жумладан валюта ҳисобрақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйҳатини тасдиқлаш;

➢ Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

➢ Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

➢ Жамият ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

➢ Жамиятнинг филиаллари рахбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

➢ Жамият филиаллари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

➢ Жамият филилларининг штат жадвалларини тасдиқлаш;

➢ Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

➢ Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

➢ Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

➢ қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

➢ **Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси (Тафтиш комиссия мавжуд бўлганда) ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;**

➢ давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия хисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

➢ Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бош Директори томонидан белгиланади;

➢ хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

➢ Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

➢ Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

➢ ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йигилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

➢ Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

➢ ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

➢ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

➢ Жамиятнинг Бош Директори, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг бошқа меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.8. Жамият Бош Директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

12.9. Жамият Бош Директори Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.10. Бош Директорни лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор қонунчиликда, ушбу Уставда ва "Ижроия органи тўғрисида"ги Низомда белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши ёхуд акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бундай қарорни қабул қилиш ҳуқуқи Жамият Кузатув Кенгашига берилган бўлса, Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

12.11. Бош Директор томонидан ушбу Устав ва мехнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли Бош Директор билан тузилган мехнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.12. Жамият Бош Директори ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда унинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

12.13. **Агар жамият Бош директори томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда Жамият Бош директорининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.**

13. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Ички аудит хизмати

13.1. **Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.**

13.2. **Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиед улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.**

13.3. **Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.**

б) Аудиторлик ташкилоти

13.4. **Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.**

13.5. **Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади. Жамият ички аудит хизмати бекор қилинган Тафтиш комиссиясининг тегишли вазифаларини амалга оширади.**

14. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

14.1. Жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилиши мумкин.

14.2. Корпоратив маслаҳатчи Жамият кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

14.3. Корпоратив маслаҳатчи, Жамият ва унинг акциядорлари хамда инвесторлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи шахс хисобланади. Жамиятнинг корпоратив бошқарув бўйича маслахатчи вазифасини бажаради.

14.4. Корпоратив маслахатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаган "Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида"ги низом билан белгиланади.

15. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49–52 моддалари, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 92–97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

15.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

16. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

16.1. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 20 июл 03-000463 – рақами билан рўйхага олинган Жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Бош Директор **Рузиев Р.В**